


## ХП. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

**Ташқи савдо айланмаси.** 2020 йил январь-март ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 8 140,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 924,1 млн. АҚШ долларига ёки 10,2 % га камайди.

ТСА да экспорт ҳажми 3 374,7 млн. АҚШ долларига (10,9 % га камайди) ва импорт ҳажми 4 765,7 млн. АҚШ долларига (9,7 % га камайди) етди. Ҳисобот даврида - 1 390,9 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.


### Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси динамикаси

(январь-март, млн. АҚШ доллари)



Республикада ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида, 2020 йилнинг январь-март ойларида, ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 36,2 % ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасидаги ўтган йилга нисбатан улуши 2,5 % га ошган.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида МДХ мамлакатлари  
ва бошқа хорижий давлатларнинг ҳажмлари динамикаси  
(январь-март, млн. АҚШ доллари, улуш % да)



Бошқа хорижий давлатларнинг ТСА си 2020 йилнинг январь-март ойларида МДХ давлатларига нисбатан камайди (13,6 % га камайди) ва жами ТСА даги улуши 63,8 % ни ташкил этди.

Хусусан, кўшни давлатлар Қозоғистон ва Қирғиз Республикалари билан ТСА да сўнгги йилларда катта ўзгаришлар кузатиляпти. Мисол учун, сўнгги уч йилда ТСА Қирғиз, Тожикистон ва Афғонистон билан ошгани кузатилмоқда.

Бошқа давлатлар (кўшни давлатлардан ташқари) билан эса, ТСА да энг юқори улуш Россия, Хитой, Корея Республикаси ва Туркия давлатлари хиссасига тўғри келган.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор-давлатлар орасидан еттита давлатда фаол ташқи савдо баланси кузатилган, хусусан, Афғонистон (151,1 млн. АҚШ доллари), Қирғиз Республикаси (121,2 млн. АҚШ доллари), Тожикистон (78,8 млн. АҚШ доллари), Туркия (62,3 млн. АҚШ доллари), Эрон (16,4 млн. АҚШ доллари), БАА (15,7 млн. АҚШ доллари) ва Франция (10,1 млн. АҚШ доллари) шулар жумласидандир. Қолган 13 та давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор-давлатлар  
билан ташқи савдо айланмаси динамикаси  
(январь-март, млн. АҚШ. доллари)

Давлатлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Россия Федерацияси</b>	<b>1 386,7</b>	<b>1 344,2</b>	<b>1 376,5</b>
Экспорт	389,3	425,2	455,6
Импорт	997,4	919,0	920,9
Сальдо	-608,0	-493,8	-465,4
<b>Хитой Халқ Республикаси</b>	<b>1 269,8</b>	<b>1 652,8</b>	<b>1 364,3</b>
Экспорт	519,1	616,2	400,8
Импорт	750,7	1 036,6	963,5
Сальдо	-231,6	-420,4	-562,7
<b>Қозоғистон</b>	<b>605,6</b>	<b>783,3</b>	<b>675,4</b>
Экспорт	257,3	282,8	188,2
Импорт	348,4	500,5	487,2
Сальдо	-91,1	-217,7	-299,0
<b>Корея Республикаси</b>	<b>323,8</b>	<b>700,2</b>	<b>545,3</b>
Экспорт	18,9	20,8	13,3
Импорт	304,9	679,5	532,1
Сальдо	-286,0	-658,7	-518,8
<b>Туркия</b>	<b>395,5</b>	<b>506,1</b>	<b>469,0</b>
Экспорт	214,7	238,2	265,6
Импорт	180,8	267,9	203,3
Сальдо	33,8	-29,6	62,3

давоми

Давлатлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Қирғиз Республикаси</b>	<b>70,0</b>	<b>138,4</b>	<b>187,4</b>
Экспорт	39,9	113,2	154,3
Импорт	30,1	25,3	33,1
Сальдо	9,9	87,9	121,2
<b>Германия</b>	<b>149,8</b>	<b>138,9</b>	<b>166,9</b>
Экспорт	7,3	9,3	15,3
Импорт	142,4	129,6	151,5
Сальдо	-135,1	-120,4	-136,2
<b>Афғонистон</b>	<b>174,9</b>	<b>116,5</b>	<b>152,5</b>
Экспорт	174,5	116,2	151,8
Импорт	0,4	0,3	0,7
Сальдо	174,0	115,8	151,1
<b>Туркменистон</b>	<b>41,7</b>	<b>130,7</b>	<b>114,8</b>
Экспорт	9,8	24,8	26,8
Импорт	31,9	105,9	88,0
Сальдо	-22,1	-81,1	-61,2
<b>Тожикистон</b>	<b>71,3</b>	<b>73,5</b>	<b>113,8</b>
Экспорт	45,6	55,2	96,3
Импорт	25,7	18,3	17,5
Сальдо	20,0	36,9	78,8

давоми

Давлатлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Италия</b>	<b>44,0</b>	<b>68,6</b>	<b>94,3</b>
Экспорт	4,7	5,7	5,3
Импорт	39,3	62,9	89,0
Сальдо	-34,7	-57,1	-83,7
<b>Литва</b>	<b>62,7</b>	<b>94,3</b>	<b>85,6</b>
Экспорт	1,5	6,3	3,9
Импорт	61,1	88,0	81,7
Сальдо	-59,6	-81,6	-77,9
<b>Латвия</b>	<b>87,2</b>	<b>106,3</b>	<b>81,8</b>
Экспорт	10,6	12,4	10,5
Импорт	76,6	93,9	71,2
Сальдо	-66,1	-81,4	-60,7
<b>Украина</b>	<b>95,5</b>	<b>94,6</b>	<b>81,0</b>
Экспорт	28,4	29,8	24,3
Импорт	67,1	64,7	56,7
Сальдо	-38,7	-34,9	-32,4
<b>Ҳиндистон</b>	<b>57,4</b>	<b>84,4</b>	<b>81,0</b>
Экспорт	6,3	4,0	5,8
Импорт	51,2	80,4	75,2
Сальдо	-44,9	-76,4	-69,5
<b>Эрон</b>	<b>69,5</b>	<b>95,6</b>	<b>76,3</b>
Экспорт	49,8	55,8	46,4
Импорт	19,6	39,8	29,9
Сальдо	30,2	16,0	16,4

давоми

Давлатлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Франция</b>	<b>63,7</b>	<b>69,0</b>	<b>72,1</b>
Экспорт	42,5	46,5	41,1
Импорт	21,2	22,5	31,0
Сальдо	21,3	24,0	10,1
<b>АҚШ</b>	<b>58,7</b>	<b>74,3</b>	<b>56,5</b>
Экспорт	6,4	5,7	5,7
Импорт	52,3	68,5	50,8
Сальдо	-45,9	-62,8	-45,1
<b>Беларусь Республикаси</b>	<b>114,5</b>	<b>107,6</b>	<b>53,8</b>
Экспорт	9,1	10,0	11,5
Импорт	105,4	97,5	42,3
Сальдо	-96,3	-87,5	-30,8
<b>Бирлашган Араб Амирликлари</b>	<b>28,3</b>	<b>42,4</b>	<b>50,4</b>
Экспорт	11,7	19,6	33,0
Импорт	16,5	22,8	17,4
Сальдо	-4,8	-3,2	15,7

Ўзбекистон, жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСА нинг нисбатан салмоқли ҳиссаси Россия Федерациясида (16,9 %), Хитой Халқ Республикасида (16,8 %), Қозоғистонда (8,3 %), Корея Республикасида (6,7 %), Туркияда (5,8 %), Қирғиз Республикасида (2,3 %) ва Германияда (2,1 %) қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси билан ташқи савдо айланмаси энг  
юқори бўлган давлатлар

(2020 йил январь-март, млн. АҚШ доллари, улуш % да)

Топ 10 давлатлар	ТСА	Экспорт	Импорт	Улуш, % да
Россия Федерацияси	1 376,5	455,6	920,9	16,9
Хитой Халқ Республикаси	1 364,3	400,8	963,5	16,8
Қозоғистон	675,4	188,2	487,2	8,3
Корея Республикаси	545,3	13,3	532,1	6,7
Туркия	469,0	265,6	203,3	5,8
Қирғиз Республикаси	187,4	154,3	33,1	2,3
Германия	166,9	15,3	151,5	2,1
Афғонистон	152,5	151,8	0,7	1,9
Туркменистон	114,8	26,8	88,0	1,4
Тожикистон	113,8	96,3	17,5	1,4

**Экспорт.** Жорий йилнинг январь-март ойларида мамлакатнинг экспортёрлар сони 3298 тани ташкил этиб, улар 2 368,8 млн. АҚШ доллари (қимматбаҳо металллар экспортидан ташқари) қийматидаги (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 7,4 % га камайди) товар ва хизматлар экспорт қилинишини таъминлади.

Экспорт таркибида товарлар улуши 81,4 % ни ташкил этиб, улар асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (18,7 %), минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар (9,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (5,9 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

### Экспорт таркиби (2020 йил январь-март, улуши % да)

МДХ мамлакатлари ва бошқа мамлакатларга экспортнинг йўналиши бўйича фарқланишлар мавжудлиги кузатишда. Хусусан, МДХ мамлакатларига экспортнинг асосий қисми хизматлар ҳиссасига тўғри келмоқда, кейинги ўринларда экспорт ҳажми бўйича асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари, минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар ҳамда турли хил тайёр буюмларга тўғри келмоқда.



2020 йилнинг январь-март ойларида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан, минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар, кимё воситалари ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар ҳамда бошқа товарлардан ташқари барча товар ва хизматларда ўсиш кузатилди.



МДХ ва бошқа давлатларга экспорт таркиби  
(2020 йил январь-март)

ХССТ таркиби	Млн. АҚШ доллари			Жамига нисбатан % да			2019 йилга нисбатан ўсиши, % да		
	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар
<b>Жами</b>	<b>3374,7</b>	<b>1142,0</b>	<b>2232,8</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>89,1</b>	<b>99,3</b>	<b>84,6</b>
<i>шу жумладан:</i>									
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	197,9	102,3	95,7	5,9	9,0	4,3	85,2	73,4	103,0
Ичимликлар ва тамаки	7,5	7,2	0,2	0,2	0,6	0,0	169,5	173,6	97,9
Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари	162,5	76,1	86,4	4,8	6,7	3,9	87,3	154,9	63,1
Минерал ёқилғи, ёглаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	305,4	133,3	172,1	9,0	11,7	7,7	76,4	76,0	76,7
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	3,0	2,3	0,7	0,1	0,2	0,0	2,7 б.	2,1 б.	164,2 м.
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	189,5	73,8	115,8	5,6	6,5	5,2	90,4	78,0	100,6
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	631,6	195,7	435,9	18,7	17,1	19,5	96,0	104,3	92,7
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	86,7	73,9	12,8	2,6	6,5	0,6	109,9	133,8	54,1
Турли хил тайёр буюмлар	147,6	139,5	8,1	4,4	12,2	0,4	153,9	160,7	89,0
Бошқалар	1014,4	8,3	1006,1	30,1	0,7	45,1	81,3	49,0	81,7
шу жумладан олтин	1005,9	-	1005,9	29,8	-	45,1	81,7	-	81,7
Хизматлар	628,7	329,7	299,0	18,6	28,9	13,4	93,3	97,2	89,3

Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор  
давлатларига амалга оширилган экспорт ҳажми  
(январь-март)

Давлат номи	Млн. АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Ўрни	
	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.
Россия Федерацияси	425,2	455,6	109,2	107,1	2	1
Хитой Халқ Республикаси	616,2	400,8	118,7	65,0	1	2
Туркия	238,2	265,6	111,0	111,5	4	3
Қозоғистон	282,8	188,2	109,9	66,5	3	4
Қирғиз Республикаси	113,2	154,3	2,8 м.	136,3	6	5
Афғонистон	116,2	151,8	66,6	130,7	5	6
Тожикистон	55,2	96,3	120,9	174,5	8	7
Эрон	55,8	46,4	112,0	83,1	7	8
Франция	46,5	41,1	109,3	88,4	9	9
Бирлашган Араб Амирликлари	19,6	33,0	166,9	168,6	14	10
Туркменистон	24,8	26,8	2,5 м.	108,3	12	11
Украина	29,8	24,3	105,1	81,5	11	12
Канада	0,1	23,5	142,1	159,4 м.	62	13
Покистон	9,3	17,3	2,4 м.	184,9	19	14
Озарбайжон	8,0	16,4	130,6	2,0 м.	22	15
Германия	9,3	15,3	126,4	165,5	20	16
Польша	10,2	13,3	103,6	131,2	17	17
Корея Республикаси	20,8	13,3	109,7	63,8	13	18
Беларусь Республикаси	10,0	11,5	110,3	114,3	18	19
Латвия	12,4	10,5	117,7	84,8	15	20

Ҳамкор мамлакатларнинг товарлар ва хизматлар экспорти бўйича географияси 2019 йининг мос даврига нисбатан 127 давлатдан 137 давлатга кўпайди.


**Экспорт таркиби динамикаси**  
(январь-март, % да)

Таркиб	2018 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	4,6	6,1	5,9
Ичимликлар ва тамаки	0,1	0,1	0,2
Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари	4,0	4,9	4,8
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	11,5	10,5	9,0
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	0,0	0,0	0,1
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	6,8	5,5	5,6
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	13,3	17,4	18,7
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	2,1	2,1	2,6
Турли хил тайёр буюмлар	2,2	2,5	4,4
Бошқа товарлар	37,4	33,0	30,1
шу жумладан олтин	37,4	32,5	29,8
Хизматлар	18,1	17,8	18,6

Сўнгги уч йилда МДҲ мамлакатларига экспорт ҳажми ошди ва уларнинг жами экспортдаги улуши 2018-йил 1-чорагидаги 27,5 % дан 2020 йил 1-чорагида 33,8 % га етди. Мос равишда бошқа мамлакатларнинг жами экспортдаги улуши 66,2 % ни ташкил этди.

### МДХ ва бошқа давлатларга товар ва хизматлар экспорти ҳажмлари динамикаси

(январь-март, млн. АҚШ долл., улуши % да)



2020 йилнинг январь-март ойлари якунида товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлар таркибида Россия Федерацияси (экспорт умумий ҳажмининг 13,5 % и), Хитой Халқ Республикаси (11,9 %), Туркия (7,9 %), Қозоғистон (5,6 %), Қирғиз Республикаси (4,6 %), Афғонистон (4,5 %) ва Тожикистон (2,9 %) давлатлари сақланиб қолмоқда, ҳамда уларнинг жами экспортдаги улуши 50,7 фоизни ташкил этмоқда.

Товарлар ва хизматлар экспорти бўйича етгита асосий ҳамкор давлатлардан етакчи бўлган Хитой Халқ Республикасининг бир поғонага тушиши ҳисобига, Россия Федерацияси экспортдаги улуши бўйича пешқадамликни олди.

#### Республика экспортида асосий ҳамкор-давлатларнинг улуши (2020 йил январь-март)



Ўзбекистон Республикасининг айрим давлатлар билан экспорт таркиби  
(январь-март, млн. АҚШ долл.)

ХССТ таркиби	Россия Федерацияси		ХХР		Туркия		Қозоғистон	
	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Жами экспорт</b>	<b>425,2</b>	<b>455,6</b>	<b>616,2</b>	<b>400,8</b>	<b>238,2</b>	<b>265,6</b>	<b>282,8</b>	<b>188,2</b>
<i>шу жумладан:</i>								
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	27,6	28,3	10,5	6,9	32,2	4,9	43,6	37,0
Ичимликлар ва тамаки	2,6	1,6	0,0	0,0	-	-	0,7	4,3
Ноозик-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари	5,1	11,2	80,2	22,7	0,5	6,7	26,1	8,4
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	68,5	111,0	172,1	114,5	2,7	2,6	95,7	0,0
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	0,0	-	-	-	-	-	0,0	0,1
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	42,6	25,0	35,1	17,6	15,6	15,0	25,0	20,1
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	128,4	108,6	144,2	88,9	163,8	217,2	24,7	21,5
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	21,0	10,7	1,1	1,2	12,4	8,3	20,7	42,4
Турли хил тайёр буюмлар	58,1	83,6	-	0,2	0,6	1,1	7,2	8,6
Бошқа товарлар	-	-	-	-	-	-	13,3	2,1
Хизматлар	71,3	75,5	173,0	148,9	10,4	9,9	26,0	43,7

Ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарлар таркибига асосан минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар, материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари ҳамда турли хил тайёр буюмлар киради.

Хизматлар экспорти ҳажми 628,7 млн. АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 18,6 % ини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 6,7 % га камайганлиги кузатилди. Сўнгги уч йилда ўсиш ҳисобига хизматларнинг жами экспортдаги улуши ўсди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт (57,4 %) ва туризм (32,2 %) хизматлари ҳиссасига тўғри келган. Шу билан бирга телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари (5,4 %), қурилиш хизматлари (1,7 %), бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (1,6 %) ва бошқа хизматлар умумий ҳажмда 1,8 % ни ташкил этган.

Хизматлар экспорти таркиби  
(январь-март, улуши % да)



**Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт**  
(2020 йил январь-март)

Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 136,7 млн. долларга яқин қийматли 257,2 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинган. Бунда 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 67,6 млн. АҚШ долларига пастлашиш кузатилиб, 33,1 % га камайди. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 83,4 млн. АҚШ долларига тенг 211,4 минг тонна сабзавот, шунингдек, 53,3 млн. АҚШ доллари қийматидаги 45,8 минг тонна мева ва резаворлар экспорт қилинди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари Қозоғистон (25,6 %), Россия Федерацияси (18,6 %), Афғонистон (9,4 %) ва Қирғиз Республикаси (8,9 %) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

**Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти**  
(январь-март, млн. АҚШ долл.)



Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган мева ва сабзавотларнинг улуши 4,1 % ни ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти географияси  
(январь-март)

Давлат номи	2019 йил			2020 йил		
	минг т	млн. АҚШ доллари	улуши, % да	минг т	млн. АҚШ доллари	улуши, % <sup>1)</sup> да
Қозоғистон	89,6	41,3	20,2	95,5	35,0	25,6
Россия Федерацияси	35,2	19,5	9,5	40,0	25,4	18,6
Афғонистон	11,1	8,7	4,3	28,9	12,9	9,4
Қирғиз Республикаси	13,9	43,7	21,4	17,4	12,2	8,9
Покистон	10,2	7,1	3,5	9,8	10,9	8,0
Хитой Халқ Республикаси	14,6	9,9	4,8	7,8	6,4	4,7
Ироқ	8,8	3,1	1,5	19,3	4,7	3,4
Туркия	38,7	32,1	15,7	3,1	4,0	2,9
Украина	31,1	12,3	6,0	5,2	3,8	2,8
Беларусь	4,3	2,2	1,1	3,2	3,2	2,3
Тожикистон	0,8	1,1	0,5	3,7	2,9	2,1
Туркманистон	11,5	2,3	1,1	12,2	2,8	2,0
Озарбайжон	2,7	2,0	1,0	1,7	2,0	1,5
БАА	1,2	1,0	0,5	1,1	1,5	1,1
Грузия	5,8	1,5	0,7	2,3	1,4	1,1
Германия	0,7	1,6	0,8	0,4	1,3	0,9
Бошқа мамлакатлар	35,5	14,9	7,3	5,6	6,4	4,7

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши бевосита пахта хом ашёси ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислохотларнинг натижаси эканини кўриш мумкин. Жумладан, жорий йилда 463,5 млн. АҚШ долларли тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 13,7 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсди.

<sup>1)</sup> - қиймат ифодасида камайиб бориши тартибида сараланган



Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида пахтадан йигирилган ип (50,0 %), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (27,2 %) асосий улушни эгаллаган. Йил бошидан 311 турга яқин тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 50 та давлатига экспорт қилинди.

**Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси**  
(январь-март, млн. АҚШ доллари)

Таркиби	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2019 йилга нисбатан ўсиш суръати, % да
Пахтадан йигирилган ип	186,5	210,3	231,8	110,2
Тайёр кийимлар	67,4	83,7	125,9	150,4
Гидамлар	6,2	6,3	6,1	96,8
Нақшли матолар	15,2	19,7	30,8	156,3
Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	9,1	12,0	24,2	2,0 м.
Пахтадан газламалар	15,1	17,4	23,2	133,3
Ипак ва ипак маҳсулотлари	10,0	11,7	12,2	104,3
Пахта маҳсулотлари	5,0	6,3	7,1	112,7

Республиканинг тўқимачилик саноатини диверсификация қилиш ва тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш борасидаги амалий ишлари натижасида, мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти ошиб бормоқда.

Тўқимачилик маҳсулотларини давлатлар экспорти динамикаси  
(январь-март, млн. АҚШ доллари)


Давлатлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2019 йилга нисбатан ўсиш суръати, % да
Россия Федерацияси	140,6	150,2	182,0	121,2
Хитой Халқ Республикаси	67,9	102,1	88,9	87,1
Туркия	39,7	31,7	60,5	190,9
Қирғиз Республикаси	13,9	19,7	46,0	2,3 м.
Қозоғистон	10,5	9,7	11,4	117,5
Эрон	1,6	10,9	9,9	90,8
Украина	3,7	5,4	9,8	181,5
Польша	6,2	6,3	9,4	149,2
Миср	0,0	2,3	6,4	2,8 м.
Тожикистон	0,7	1,7	5,6	3,3 м.
Беларусь	4,7	5,2	4,8	92,3
Покистон	0,9	0,9	4,8	5,3 м.
Озарбайжон	1,0	1,7	3,0	176,5
Италия	1,8	3,3	2,9	87,9
Ҳиндистон	0,5	0,1	2,7	27,0 м.
Корея Республикаси	4,1	1,9	2,5	131,6
Германия	0,9	2,1	1,9	90,5
Молдова	1,1	1,3	1,9	146,2
Марокаш	0,2	0,3	1,1	3,7 м.
Афғонистон	1,5	0,8	1,0	125,0

Тўқимачилик маҳсулотларининг энг катта улуши Россия Федерацияси (182,0 млн. АҚШ доллари – 39,3 %), Хитой (88,9 млн. АҚШ доллари – 19,2 %) ва Туркия (60,5 млн. АҚШ доллари – 13,1 %) давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

**Импорт.** 2020 йилнинг январь-март ойларида импорт ҳажми пасайишини кузатиш мумкин. Жумладан, ҳисобот даврида импорт ҳажми 4 765,7 млн. АҚШ долларини ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 90,3 % ни ташкил этди.

Импорт таркибида энг катта улуш, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (36,9 %), асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (16,1 %) ҳамда хизматлар (9,5 %) ҳисобига тўғри келди.

**Импорт таркиби**  
(2020 йил январь-март, % да)



- |  |   |
|--|---|
|  Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар - 7,0 %                           |  Ичимликлар ва тамаки - 0,2 %  |
|  Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари - 5,7 %                              |  Минерал ёқилғи, ёғоч мойлари ва шунга ўхшаш материаллар - 5,4 %                       |
|  Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар - 1,1 %                |  Кимёвий воситалар ва бошқа тонфаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар - 12,3 % |
|  Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари - 16,1 % |  Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари - 36,9 %                                    |
|  Турли хил тайёр буюмлар - 5,4 %  |  Бошқа товарлар - 0,4 %  |
|  Хизматлар - 9,5 %  |   |

Товар ва хизматлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, 2020 йилнинг январь-мартда импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 480,1 млн. АҚШ долларига камайди ва 4 310,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 454,8 млн. АҚШ долларига етди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ҳажмларининг камайишига шакар ва шакар хом ашёси (39,1 % га пасайган), донли экинлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (20,8 % га), ичимликлар (18,5 % га), сабзавотлар ва мевалар (5,8 % га) импортининг камайиши таъсир қилган.

Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар импорти камайишига эса, нефт ва нефт маҳсулотлари ва шунга ўхшаш материаллар импортининг камайганлиги (7,6 %) бевосита таъсир этган.


Импорт таркиби динамикаси  
(январь-март, % да)

Таркиб	2018 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар	9,4	7,8	7,0
Ичимликлар ва тамаки	0,1	0,2	0,2
Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари	5,2	4,4	5,7
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	6,6	4,5	5,4
Хайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	1,6	1,4	1,1
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	11,8	10,7	12,3
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	18,1	17,1	16,1
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	32,8	38,4	36,9
Турли хил тайёр буюмлар	3,1	6,0	5,4
Бошқа товарлар	-	0,2	0,4
Хизматлар	11,2	9,2	9,5

Жорий даврда импорт қилинган товарлар ва хизматлар таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ноозик-овқат хом ашёси импортининг улуши 4,4 % дан 5,7 % гача ўсди, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар 7,8 % дан 7,0 % га, асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари импортининг улуши эса 17,1 % дан 16,1 % га камайди.

МДХ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатлар билан импорт улушининг динамикаси барқарор нисбати сақланиб қолмоқда ва жорий даврда ушбу кўрсаткич 37,9:62,1 муносабатни ташкил этди.

**МДХ ва бошқа хорижий давлатлардан товарлар ва хизматлар  
импорти ҳажмлари динамикаси**  
(январь-март, млн. АҚШ долл., улуши % да)



Импортнинг энг катта улуши, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар (74,8 %), ноозик-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари (81,5 %) ҳамда минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар (95,9 %) МДХ мамлакатларига тўғри келади, бошқа хорижий мамлакатларга эса энг катта улуш машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (87,5 %) ва кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (61,1 %) ҳиссасига тўғри келади.

МДХ ва хорижий давлатлардан импорт таркиби  
(2020 йил январь-март)

ХССТ таркиби	Млн. АҚШ доллари			Жамига нисбатан % да			2018 йилга нисбатан, % да		
	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар	Жами	МДХ давлатлари	Бошқа давлатлар
<b>Жами</b>	<b>4 765,7</b>	<b>1 807,6</b>	<b>2 958,1</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>90,3</b>	<b>94,7</b>	<b>87,9</b>
<i>шу жумладан:</i>									
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	333,8	249,8	84,0	7,0	13,8	2,8	81,1	95,7	55,8
Ичимликлар ва тамаки	8,2	2,6	5,6	0,2	0,1	0,2	80,1	109,1	71,2
Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари	273,6	223,1	50,5	5,7	12,3	1,7	116,7	108,0	180,8
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	255,6	245,1	10,5	5,4	13,6	0,4	107,6	107,0	123,4
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	54,2	46,5	7,6	1,1	2,6	0,3	73,1	75,9	59,6
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	587,3	139,6	447,7	12,3	7,7	15,1	103,8	103,5	103,9
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	766,8	440,9	325,9	16,1	24,4	11,0	85,1	89,7	79,7
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	1 756,7	218,7	1538,0	36,9	12,1	52,0	86,6	81,2	87,5
Турли хил тайёр буюмлар	257,8	38,1	219,7	5,4	2,1	7,4	81,6	118,7	77,4
Бошқа товарлар	16,9	12,4	4,5	0,4	0,7	0,2	137,7	154,2	106,1
Хизматлар	454,8	190,6	264,2	9,5	10,5	8,9	93,7	89,5	97,0

Ҳисобот даври яқунларига кўра, импорт бўйича ҳамкор давлатлар орасида Хитой Халқ Республикаси умумий импорт ҳажмида 20,2 % улуши билан Россия Федерациясини (19,3 %) ортда қолдирган ҳолда, биринчи ўринни эгаллади.

**Товар ва хизматлар ипортидаги йигирмата йирик ҳамкор-давлатлар**  
(январь-март)

Давлатлар	Млн. АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Ўрни	
	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.
Хитой Халқ Республикаси	1 036,6	963,5	138,1	92,9	1	1
Россия Федерацияси	919,0	920,9	92,1	100,2	2	2
Корея Республикаси	679,5	532,1	2,2 м.	78,3	3	3
Қозоғистон	500,5	487,2	143,7	97,3	4	4
Туркия	267,9	203,3	148,1	75,9	5	5
Германия	129,6	151,5	91,0	116,9	6	6
Италия	62,9	89,0	159,8	141,5	16	7
Туркманистон	105,9	88,0	3,3 м.	83,1	7	8
Литва	88,0	81,7	143,8	92,9	10	9
Ҳиндистон	80,4	75,2	157,1	93,6	12	10
Латвия	93,9	71,2	122,5	75,9	9	11
Украина	64,7	56,7	96,5	87,6	15	12

давоми

Давлатлар	Млн. АҚШ доллари		Ўсиш суръати, %		Ўрни	
	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.
АҚШ	68,5	50,8	131,0	74,1	13	13
Япония	81,7	44,1	3,2 м.	53,9	11	14
Беларусь	97,5	42,3	92,6	43,3	8	15
Нидерландия	26,7	41,4	130,9	155,0	19	16
Чехия Республикаси	22,5	40,4	197,0	179,6	24	17
Бразилия	61,3	37,5	21,7 м.	61,2	17	18
Қирғиз Республикаси	25,3	33,1	84,0	131,1	21	19
Франция	22,5	31,0	106,1	137,9	25	20

2019 йил билан таққослаганда импорт бўйича энг юқори олтиликда ўзгариш кузатилмади.

2020 йил январь-март ойлари якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан 126 давлат билан товарлар ва хизматлар импорти амалга оширилди.

**Республика импортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши**  
(2020 йил январь-март, % да)





Етти йирик ҳамкор давлатлар (Хитой, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Қозоғистон, Туркия, Германия ва Италия) жами импортнинг 70,2 % ини ташкил қилади, бу 3 347,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

2020 йил январь-март ойлари якуни билан хизматлар импорти ҳажми 454,8 млн. АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 9,5 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 6,3 % га тушган. Хизматлар импорти таркибининг асосий улуши сафарлар (туризм хизматлари), транспорт хизматларидан иборат бўлди.


**Хизматлар импорти таркиби**  
(январь-март, улуши % да)



2020 йил январь-март ойлари якуни билан 250,4 млн. АҚШ доллари миқдорида қурилиш материаллари импорти амалга оширилган бўлиб, умумий импорт ҳажмининг 5,3 % ини ташкил қилди.

Импорт қилинган қурилиш материаллари таркибида ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари (52,3 %), шиша ва шиша буюмлар (5,8 %), семент (5,1 %), ҳамда асбест (2,0 %) асосий улушни эгаллаган.

### Қурилиш материаллари импорти (январь-март 2020 йил)



2020 йилнинг январь-март яқунларига кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан пасайиш (15,5 %) қайд этилди.

### Айрим қурилиш материаллари импорти динамикаси (январь-март, млн. АҚШ долл.)

Қурилиш материаллари	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Ўғоч ва ўғоч маҳсулотлари	144,5	146,6	131,1
Шиша ва шиша буюмлар	15,0	15,2	14,5
Цемент	24,9	31,5	12,7
Асбест	14,2	7,3	5,0

Қурилиш материаллари импорти, асосан юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, кенг кўламдаги қурилиш-реконструкция ишларини амалга оширилишига қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан қурилиш маҳсулотлари импорти ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Товар** – ҳар қандай кўчма мулк, шу жумладан валюта ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик ва бошқа энергия турлари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташиш учун ишлатиладиган транспорт воситалари, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари.

**Товарлар экспорти** – агар қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш.

**Резспорт** – хорижий товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган божхона режими.

**Товарлар импорти** – товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб кириш.

**Реимпорт** – божхона ҳудудидан экспорт режимида олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида кўрсатилган муддатда (олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида) қайтариб олиб кириладиган режим.

**Ташқи савдо айланмаси** – мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси.

**Товарлар келиб чиққан мамлакат** – товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат “Божхона тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26 - моддасига асосан аниқланади).

**Товарларнинг белгиланган манзили** – юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат.

**Товарларнинг статистик қиймати** – шартнома валютасидан қатъий назар ягона базисга келтирилган шартнома бўйича товарлар қиймати.

**СИФ (қиймат, суғурталаш, фрахт)** – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакат портигача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**СИП (фрахт/ташиш ва суғурталаш)** – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакатнинг чегарасигадаги белгиланган жойгача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**ФОВ (бортда эркин)** – товарни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни кема бортигача етказиб бериш ва юклаш харажатлари киритилади.

**ДАФ (чегарагача етказиб бериш)** – товарни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни белгиланган жойгача ёки экспорт қилувчи мамлакат чегарасигадаги жойгача ёхуд қўшни мамлакат чегарасигагача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**Хизматлар (ишлар) экспорти** — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан норезидентларга, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

**Хизматлар (ишлар) импорти** — норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентларига, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).